

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ
ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ

БЎРИ ҚОДИРОВ

**ЎЗБЕК МИЛЛИЙ
ФАЛСАФА МАКТАБИНИНГ
АСОСЧИСИ**

*(Академик Иброҳим Мўминов
ҳаёти ва илмий фаолияти)*



ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2022

УЎК: 1(091)(575.1)
КБК: 87.3(5Ў)
Қ 53

Қ 53

Қодиров, Б.

Ўзбек миллий фалсафа мактабининг асос-
чиси [Матн] / Б. Қодиров. – Тошкент: «Маъ-
навият», 2022. – 32 б.

ISBN 978-9943-04-455-5

Мазкур рисола маънавиятимизнинг буюк сиймоларидан бири, академик Иброҳим Мўминовнинг ҳаёт йўли ва илмий фаолиятига бағишланган бўлиб, олимнинг ўзбек миллий фалсафа мактабига асос солиши ҳамда юртимиз тарихини объектив нуқтаи назардан очиб бериши масалаларига қаратилган.

Рисола ижтимоий фанлар соҳасига қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

М а с ъ у л м у х а р р и р :

Олимжон Давлатов,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Т а қ р и з ч и :

Фурқат Жўрақулов, сиёсий фанлар доктори, доцент

ISBN 978-9943-04-455-5

© «Маънавият», 2022



СЎЗ БОШИ

Инсоният тарихи тараққиёти давомида ҳар бир юртнинг буюк ўғлонлари, мутафаккир зотлари, инсоният тамаддунига улкан ҳисса қўшган олим-у уламолари бўлади. Бизнинг юртимизда туғилиб вояга етган, ўзининг ниҳоятда серқирра илмий-ижодий фаолияти билан дунё аҳлини лол қолдирган илм аҳллари номи ҳар биримизнинг қалбимизни фахр-у ифтихорга тўлдиради.

Жаҳон ва Ўзбекистон фани, маънавиятининг ривожига катта ҳисса қўшган ва шу орқали ўзига хос илмий мактаб яратган давлат ҳамда жамоат арбоби академик Иброҳим Мўминовнинг ҳаёт йўли серқирра бўлиб, олим яшаган давр совет тузуми мафқурасининг энг юқори чўққига чиққанлиги билан белгиланади.

Иброҳим Мўминовнинг илмий фаолияти совет тузумининг кучли мафқуравий жараёнларида кўзга ташланади. Бу ҳолатни олимнинг ёзган асарлари орқали кўришимиз мумкин. Олим шундай оғир вазиятда ватанимиз тарихини объектив нуқтаи назардан ёритишга ҳаракат қилди. Юртимиз мустамлакачи чор Россияси томонидан босиб олинганлигини илмий асосда очиб берди. Шунингдек, Амир Темур шахси совет тарихи фанида «босқинчи» деб тарғиб этилаётган ва халқ онига сингдирилаётган бир пайтда Амир Темурни илмий, объектив ўрганишга қўл уриши олимнинг жасорати бўлди.

Иброҳим Мўминовнинг тарихий хизмати маънавиятимизнинг буюк сиймолари мероси ва уларнинг фалсафий қарашларини изчил ўрганиб, кенг илм аҳлига

тарғиб қилганида кўринади. Бунинг заминида эса бево-сита олим томонидан Ўзбекистонда ўзбек миллий фал-сафа мактабига асос солинди.

Олим Ўзбекистонда илм-фаннинг йирик ташкилот-чиси ҳамдир. У, айниқса, ижтимоий фанларни ривож-лантиришга – янги тадқиқот муассасаларини ташкил этишга, илмий кадрларни тайёрлашга катта ҳисса қўш-ди, унинг раҳбарлигида турли фан соҳалари бўйича йи-рик асарлар нашр этилди.

Академик Иброҳим Мўминов Ўзбекистонда илм-фаннинг ривожига салмоқли ҳисса қўшиш билан бир вақтда жуда кўплаб шогирдлар етиштириб бердики, улар орасида кўплаб фан докторлари ва академикларни санаш мумкин.

Тарихнинг ҳар қандай даврида ҳаёт ҳақиқатини юза-га чиқариш, уни халққа етказиш учун фидоий бўлиш, тинимсиз меҳнат қилиш ва курашиш замирида инсон юксакликка қараб борар экан, бу юксакликни давлат ва жамоат арбоби бўлган Иброҳим Мўминов тимсолида кўрамыз.

УЛУҒ ДОНИШМАНД ОЛИМ

Маънавиятимизнинг буюк сиймоларидан бири «қомусшунос», «егильшунос», «амир темуршунос», «бедилшунос», «донишманд» файласуф олим, Ўзбе-кистон Фанлар Академиясининг академиги, Ўзбекис-тонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, давлат ва жамоат арбоби Мўминов Иброҳим Мўминович 1908 йил 7 ноябрида Бухоро вилоятининг Шофиркон тумани Тезгузар қиш-лоғида деҳқон оиласида дунёга келган.

Иброҳим ёшлигидан илмга чанқоқлиги, тиришқоқ-лиги, янги фикр-мулоҳазаларга нисбатан ўз муносаба-тини билдира олиши билан тенгдошларидан ажралиб

турарди. У кўп вақтини мутолаа ва мушоҳадага ажратарди. Бўлажак олимнинг биринчи ўқитувчиси тезгузарлик мулла Обиднинг хотирлашича, Иброҳим ёшлигиданок арабчада ёзиш-чизиш саводини обдон ўзлаштирган эди. Ҳадиси шарифдан кўплаб намуналарни ёддан биларди.

У 1925–1927 йилларда бошланғич мактабда, кейин Бухоро оқартув институтида ўқийди, таътил вақтида эса ўқитувчилик қилади. Иброҳим Мўминов институтни тугатгач, Бухородаги икки йиллик курсда жамиятшунослик ва синфий кураш тарихидан дарс беради. Ўша вақтда институтни аъло баҳоларга тамомлаганлар Бухоро маориф бўлимининг йўлланмаси билан ўқишни давом эттириш учун Самарқандга ўқишга юборилар эди. Иброҳим Мўминов ҳам 1928 йилда Бухоронинг ёш ва илмга чанқоқ вакиллари қаторида Самарқанд олий педагогика институтига (кейинчалик Педагогика академиясига айлантирилган) ўқишга киради.

Самарқанд педагогика академияси XX асрнинг 30-йиллари бошида республика халқ хўжалиги, фани ва маданияти соҳаларига кадрлар тайёрлашда анча катта роль ўйнади. Самарқанд педагогика академиясини битирганлар кейинчалик фан, техника ва маданиятнинг таниқли арбоблари бўлиб етишдилар. Улар орасида Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиклари У.О. Орипов, Қ.З. Зокиров, Я.Ғ. Ғуломов, Ж.К. Саидов, Тожикистон Фанлар академиясининг академиги А.М. Богоуттинов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзолари А.Т. Тўлаганов, О.М. Аминов, машхур шоир ва ёзувчилардан Ҳ.Олимжон, Ойдин, Уйғун ва бошқа кўплаб улуг инсонларни кўришимиз мумкин.

Иброҳим Мўминов 1931 йилда Самарқанд Педакадемиясининг ижтимоий-иқтисодий факультетини тугатиб, шу ерда ўқитувчи бўлиб ишлай бошлайди. Самарқанд Педакадемияси 1933 йилда Ўзбекистон университети (ҳозирги Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети)га айлантирилгач, у 1933–1955 йилларда

филология, кейинчалик тарих факультети декани, кафедра мудири лавозимларида фаолият олиб боради.

Бўлажак олим ўз илмий изланишларининг асосий йўналишини белгилаб олади ва асосий эътиборини фалсафа тарихи, Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-фалсафий фикри тарихи масалаларига қаратади. Олимнинг бу соҳада олиб борган илмий тадқиқотлари уни илм-фан йўлида юксакликка етаклайди.

Иброҳим Мўминов 1955–1956 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институти директори вазифасида ишлаган бўлса, 1956 йилдан бошлаб Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти, 1958–1959 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори, 1958 йилдан Ўзбекистон «Билим» жамияти бошқаруви раиси каби лавозимларда иш олиб боради.

Иброҳим Мўминов 1963 йилдан бошлаб, ўн бир йил давомида, Ўзбекистон Олий Кенгаши Ташқи ишлар бўйича доимий комиссиянинг раиси сифатида фаолият кўрсатиб келди. Унинг раҳбарлигида 1967 йили уч жилдлик «Ўзбекистон ишчилар синфи тарихи» китоби нашр қилинди ва Беруний номидаги Республика Давлат мукофотига сазовор бўлди.

1967 йилда Республика ҳукуматининг қарорига асосан Ўзбек Совет Энциклопедиясини нашр этишга киришилди. Ўзбек Совет Энциклопедиясининг бош муҳаррири лавозимиغا Иброҳим Мўминов тайинланди. Унинг раҳбарлигида 14 жилдлик Ўзбек Совет Энциклопедиясининг дастлабки 5 жилди нашр этилди ва яна 4 жилди нашрга тайёрланди.

Иброҳим Мўминов республика илм-фани тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган олимлардан бири бўлиб, у бой тарихий далилларни илмий таҳлил этиш асосида XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистонда юз берган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маънавий жараёнларни холис ёритишга интилди.

Ўша давр мафкурасига мос Туркистоннинг Россияга қўшиб олинганлиги ҳақидаги қарашлар кўплаб китобларда кенг тарғиб қилинаётган бир шароитда олим тарихий ҳақиқатга содиқ қолган ҳолда ўз фикрини очиқ-ошкора қуйидагича қайд этади: «XIX асрнинг 60–90-йиллари давомида рус чоризми Ўрта Осиёни забт этди ва унда мустамлака тартибини ўрнатди. Чор ҳукумати Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини номигагина сақлаб қолиб, амалда бутун ҳокимиятни ўз қўлига олди. Мана шу даврда Ўрта Осиёнинг меҳнаткаш оmmasига зулм ўтказилиши кучайибгина қолмади, балки миллий мустамлакачилик зулми ҳам ўрнатилди».

Иброҳим Мўминовнинг илмий фаолиятига мустабид тузум ўз таъсирини кўрсатган бўлса-да, бироқ унинг тадқиқотлари марказида Шарқ, хусусан, Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-фалсафий ҳамда илмий-табiiй фикрлари муаммолари турганлиги натижасида олим фалсафанинг ўта сиёсийлашувини, уни ҳукмрон мафкура хизматига тамомила бўйсундириш хуружларини четлаб ўта олди. У Навоидан тортиб, Аҳмад Донишгача бўлган йирик мутафаккирлар ижодини таҳлил қилди. Айниқса, Бедил ижодининг илмий жиҳатларини чуқур ёритиб, меросининг фалсафий қарашларини ўрганишни анча енгиллаштирди. Иброҳим Мўминовнинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» асари (1968), умуман, Амир Темур шахсини илмий ўрганишдаги ташаббуси олимнинг илмий жасорат ва юксак ватанпарварлик фазилатининг ёрқин ифодаси бўлди. Иброҳим Мўминов Ғарб фалсафасини, рус мутафаккирлари ижодини ҳам ўрганди. Гегель диалектикасининг рационал мағзини кўрсатиб берди.¹

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003, 6-жилд. 964-б.

Иброҳим Мўминов фалсафа тарихи, айниқса, Марказий Осиё халқларининг ижтимоий фалсафий фикрлар тарихига доир 150 дан зиёд асар ёзган. Шу билан бирга, 60 нафардан кўп фан номзоди ва фан докторига устозлик қилиб, ҳикмат илмининг бу соҳасида ўзига хос мактаб яратганди.¹

Иброҳим Мўминов Ўзбекистонда илм-фаннинг йирик ташкилотчиси. У, айниқса, ижтимоий фанларни ривожлантиришга – янги тадқиқот муассасаларини ташкил этишга, илмий кадрлар тайёрлашга катта ҳисса қўшди, унинг раҳбарлигида турли фан соҳалари бўйича йирик асарлар нашр этилди.

Иброҳим Мўминов ўзининг мазмунли умри мобайнида Ўзбекистонда фалсафа мактабини яратиш, бу соҳада кўплаб шогирдлар етиштириш ва янги-янги илмий ишларга йўл очишдек хайрли ишларни амалга оширди.

Олим 1974 йил 22 июлида Тошкентда вафот этган, Чиғатой қабристонига дафн этилган.

Иброҳим Мўминов хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкентдаги кўчалардан бирига, Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтига, Бухоро ва Шофиркон шаҳридаги кўчалар ва мактабларга олимнинг номи берилган.

Иброҳим Мўминов вафотидан сўнг 2003 йилда «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган.

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ФАЛСАФА МАКТАБИНИНГ АСОСЧИСИ

Маънавиятимизнинг буюк сиймолари, илм аҳллари, фозилу донишлар инсонларни эзгулик сари бошловчи ҳаёт машғаллари саналади. Улар тимсолида одамийликнинг энг яхши ва юксак фазилатлари – меҳнатсевар-

¹ **Зайниддин Исamuҳамедов.** Яхшидан боғ қолади. – Гулистон: 2009, 4-сон. 14-б.

лик, вазминлик, поклик, самимийлик, халққа, жамиятга содиқлик жамулжам бўлади.

Ана шундай истеъдод сохибларидан бири академик Иброҳим Мўминов эди... Олимнинг буюклиги ва обрўси, жамиятдаги мавқеи, аввало, унинг мустаҳкам иймон-этикодига, дили билан тилининг, сўзи билан ишининг бирлигига, сўнгра ўз билими, тажрибасига оғишмай амал қилишига, уни эл-юрт манфаатларига бағишлашига қараб белгиланади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Иброҳим Мўминовнинг илмий фаолиятига шўролар мустабид тузуми ўз таъсирини кўрсатган бўлса-да, Шарқ, хусусан, Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-фалсафий ҳамда илмий-табиий муаммолари ўрганиш ва таҳлил қилиш олимнинг тадқиқотлари марказида бўлди ва аллома фалсафанинг ўта сиёсийлашуви, уни хукмрон мафкура хизматига тамомила бўйсундириш хуружларини четлаб ўта олди.

Иброҳим Мўминов Низомий, Аттор, Саъдий, Жомий, Навоий сингари даҳоларнинг асарларини, ҳинд, араб, форс ва Марказий Осиё халқлари адабиёти, санъати ва фалсафасининг сир-у асрорларини кунт билан ўрганган. Ана шу тадқиқотлар маҳсули сифатида устознинг «Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари» номли салмоқли монографияси чоп этилган.

Мирзо Абдулқодир Бедил Ўрта Осиё халқлари орасида машҳур бўлган йирик мутафаккирлардан биридир. Унинг кўп қиррали ижодида Моворауннаҳр ва Ҳиндистон ярим ороли халқлари ўртасидаги маданий ва иқтисодий алоқалар ўзининг ёрқин ифодасини топган, бу халқлар маданиятларининг бир-бирига самарали ўзаро таъсири яхши инъикос этган.¹

¹ **Иброҳим Мўминов.** Мирзо Бедил (дунёкараши). – Т.: «Ўзбекистон», 1974. 13-б.

Мирзо Бедил форс-тожик адабиётида – классик адиб, ажойиб новатор, илм-ҳикматида – жамиятшунос ва табиатшунос файласуф олим сифатида шуҳрат қозонди. У Бенгалиянинг Азимобод шаҳрида ҳарбий хизматчи оиласида ҳижрий 1054, милодий 1644 йилда туғилиб, ҳижрий 1133, милодий 1721 йилда Дехлида вафот этди.¹

Мирзо Бедил сермахсул адиб ва файласуфдир; у 120 минг мисрадан ортиқ шеърий, 15 босма табоқ насрий асар ёзган. Бедил асарларининг асосий қисми «Куллиёт»га кирган. Бу асарнинг 1882 йилда Бомбайда нашр этилган нусхасида 16 китоб бор, унда 90–100 минг байт мавжуд. Бедилнинг «Куллиёт»ига кирмаган асарлари ҳам маълум.²

Монографияда Мирзо Бедилнинг «Ирфон», «Ишорат ва ҳикоят», «Нуқот», айниқса, «Чор унсур» асарларида табиат ва жамиятнинг айрим муаммолари борасидаги фалсафий мушоҳадалари илмий жиҳатдан ёритиб берилган.

Бедил дунёқарашида инсон ва унинг жамиятдаги мавқеи масаласи марказий ўринни эгаллаган. Иброҳим Мўминов қайд этганидек, Бедил «инсонни ҳаёт гули, унинг гултожиси», – дея сифатлайди ва уни қуйидагича тараннум этади:

*Тўрт даҳр аро сен нури офтоб,
Етти баҳр ичра гавҳари ноёб,
Ҳар нарсақим етибди ақлинг,
Бундан афзалдурсен шуни яхши бил.
Дунё мевасин миришқори сен,
Ҳаммасидан ҳам ҳосилдори сен.
Қай тарафгақим учди хаёлинг,
Парвоз этарга етар мажҳолинг.*

Иброҳим Мўминовнинг фикрича, Бедил инсон тарбияси ўта нозик, масъулиятли иш эканини таъкидлай-

¹ **Иброҳим Мўминов.** Мирзо Бедил (дунёқараши). – Т.: «Ўзбекистон», 1974. 31-б.

² Ўша манба, 31-б.

ди. Бу ишни инсон боласининг мурғаклигидан бошлаш даркор, шундагина унинг самарадорлиги ортади, пойдевори мустаҳкам бўлади, дейди у. Акс ҳолда унга жиддий путур етади.

*Авалло, гиштни қийшиқ қўяркан меъмор,
Юлдузга етса ҳам қийшиқдир девор –*

дея огоҳлантиради Бедил.

Академик Иброҳим Мўминовнинг фикрича, Бедил ҳазрати инсонни бенуксон кўришни орзу қилади. Ундаги ақлу фаросат, одоб, ростгўйлик, сабр-қаноат, камтарлик ва меҳнатсеварлик каби фазилатларни мадҳ этади. Айни чоғда ақл идроки чекланган жоҳил, хасис, ҳасадгўй, таъмагир нафс бандаларини, риёкорларни қоралайди. Устоз Бедил дунёқараши тимсолида илм-фаннинг роли ва аҳамиятига юксак баҳо беради ва илм инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларида муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилишини уқтиради. Бедилга ҳамоҳанг муаллиф: «Фан оламини текширади, нарса ва ҳодисалар ҳақида билим беради» дея Бедилнинг «Илм ҳар ерда тадбирнинг кафилидир, ғалаба таъсирининг далилидир», – деган ҳикматли сўзларини келтиради. Бу ҳикмат бугунги кунда ҳам ўз тасдиғини топмоқда.¹

Мирзо Бедил ҳар бир шахснинг меҳнаткаш ва ҳунарманд бўлиши уни бахт-саодатга эриштиришини билган, у шу хусусида ширин хаёллар, яхши умидлар, эзгу ҳаваслар қилган, ватанни ободликда, фароғатда, халқини тинч-осойишта, шод-хуррамликда, инок, ҳамжиҳатликда кўриш истагида бўлган. Бироқ бу олижаноб тилакларини феодализмда сароб, эришиб бўлмайдиган мақсад эканлигини ҳам кейинчалик тушуниб олган.²

¹ **Зайниддин Исамухамедов.** Яхшидан боғ қолади. – Гулистон: 2009, 4-сон. 14–15-бетлар.

² **Иброҳим Мўминов.** Мирзо Бедил (дунёқараши). – Т.: «Ўзбекистон», 1974. 18-б.

Иброҳим Мўминов Бедил билан ҳамфикр бўлиб, ҳар нарсанинг ибтидоси ва интиҳоси борлигини асослаган, инсон ҳаёти, унинг тақдири ҳақида ғоят муҳим илмий фикрларни илгари сурган.

Иброҳим Мўминов ижодининг муҳим қисмини ўрта аср охирида яшаган йирик донишманд, мураккаб шахс Бедилнинг фалсафий қарашларини таҳлил этиш масаласи эгаллайди. Бедил илгари сурган фикрлар халқ қалбига шунчалик сингиб кетган эдики, унга қарши дин пешволари ҳам қаттиқ кураш олиб бордилар. Лекин ҳукмдорлар Бедилнинг шон-шухратидан чўчиб, уларнинг фикрларини ўз мақсади йўлида ишлатишга ҳаракат қилдилар... Иброҳим Мўминович совет ва чет эл шарқшунослиги соҳасида йиғилган Бедилга боғлиқ ҳамма манбаларни ўрганиб чиқди... Бедилнинг илмий биографиясини яратиб, унинг ижодий меросига аниқ баҳо берди, Ўрта Осиё халқлари ижтимоий, фалсафий қарашлари ва адабиётига таъсирини ёритди.¹

Иброҳим Мўминов Ғарб фалсафасини, рус мутафаккирлари ижодини ҳам ўрганди. Гегель диалектикасининг рационал мағзини кўрсатиб бера олди.

Иброҳим Мўминов фалсафа илмини ўрганиш жараёнида бир қатор илмий тадқиқот ишларини амалга оширди. У 1941 йил ўзбеклар орасида биринчилардан бўлиб «Гегель диалектикасининг рационал мағзи» мавзусида номзодлик илмий ишини ҳимоя қилди.

Иброҳим Мўминов 1950 йилда «XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти тарихидан» деган мавзуда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.²

¹ **О. Содиқов.** Олимнинг йўли. «Совет Ўзбекистони». 24 январь 1964 йил. 2-б.

² **С.Т. Исмоилов.** Ўзбек миллий фалсафаси мактабининг асосчиси (академик И.М.Мўминов таваллудининг 100 йиллиги). ГуИДУ ахборотномаси. 2006 йил. 3-сон. 87-б.

Олим ҳаётлигида, 1969–1972 йилларда унга бағишланган уч жилдлик «Танланган асарлар» тўплами нашр этилган эди. Вафотидан сўнг эса 1976–1977 йилларда «Ўзбекистон» нашриёти чоп этган тўрт жилдлик «Танланган асарлар»да акс этган тадқиқотларнинг сони 165 тани ташкил этган, ундан 20 таси монографиялар, китоблар, 42 таси тўпламлар ва китобларга бўлим ёки қисм бўлиб кирган ишлар, 19 таси рисоалар, қолганлари журнал ва газеталарда эълон қилинган мақолалардан иборат.¹ Юқорида тилга олинган илмий-тадқиқот ишларининг катта қисми фалсафа фанига бағишланган.

Иброҳим Мўминовга Ўзбекистондаги барча илм эгалари «Домла», деб мурожаат қилар эди. Домла деганда Иброҳим Мўминов сиймоси назарда тутилар эди.

Устозни саҳий боғбонга қиёс қилувчилар ҳақлидирлар. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг пири-муршиди – Мир Саид Амир Кулол «Устоз ўз умрини ойнада эмас, шогирдларида кўрсин», – деб бежиз айтмаган. Бу ҳикмат академик Иброҳим Мўминов ижодий фаолиятининг мезони бўлди.²

Иброҳим Мўминов фалсафа мактаби асосчиси эканлигини қуйидаги жиҳатларда кўришимиз мумкин:

– ҳар қандай илмий мактабнинг ўз асоси бор. Масалан, бу Аристотельнинг фалсафа мактабида Ликкей, рус илмий мактабида Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Улуғбек илмий мактабида Улуғбек расадхонаси, Иброҳим Мўминов фалсафа мактабида эса Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси таркибидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти марказ вазифасини ўтаган. Олим шу илмий даргоҳнинг ташкилотчиси ва

¹ С.Т. Исмоилов. Ўзбек миллий фалсафаси мактабининг асосчиси (академик И.М.Мўминов таваллудининг 100 йиллиги). ГуИДУ ахборотномаси. 2006 йил. 3-сон. 87-б.

² Зайниддин Исамухамедов. Яхшидан боғ қолади. – Гулистон: 2009, 4-сон. 14-б.

биринчи раҳбари эди. Гарчи унинг мактаб яратиш ғояси Самарқандда ишлаб юрган кезларида бошланган бўлса-да, асосий қадам олимнинг Тошкентдаги фаолиятида кўйилди;

– Иброҳим Мўминовнинг ташаббуси билан 1956 йил Тарих ва археология институти таркибида фалсафа сектори тузилди. 1957 йили шу институтнинг фалсафа ва ҳуқуқ секторлари асосида фалсафа ва ҳуқуқ бўлими очилди. Шу бўлим базасида 1958 йили ҳукуматнинг 1 майдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ташкил этилди;

– ҳар бир илмий мактабда илмий тадқиқот ишлари олиб борилади. Бу жараёнда бир қатор қўлланма ва дарсликлар яратилишига асос солинади. Бу асарлар то мустақиллик йилларигача бир неча марта қайта нашр этилиб, фалсафа йўналишида асосий дарслик ва қўлланмалар сифатида фойдаланиб келинди;

– Иброҳим Мўминовнинг илмий мактабида бўлғуси академиклар Музаффар Хайруллаев, Эркин Юсупов, Мубин Баратов, Саид Шермуҳамедов, Абдулхай Валиев, Ҳайдар Пўлатов, бўлажак профессорлар Омонулло Файзуллаев, Ҳамид Воҳидов, Абдурахмон Ортиқов, Наим Ғойибов, Анвар Шарипов ва бошқалар шаклланган. Улар устози бошлаган ишларни муносиб давом эттирдилар.

Айни пайтда юртимизда 3000 дан ортиқ ва қардош республикаларда домланинг минглаб «ўғил» ва «невар» шогирдлари фаолият кўрсатяптики, улар шу мактаб ўқувчилари бўлганликларидан фахрланадилар.¹

Иброҳим Мўминов нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон фалсафа фанининг ривожига ўзининг салмоқли хисса қўшганлигини юқорида тилга олинган меҳнатларида кўришимиз мумкин.

¹ С.Т. Исмоилов. Ўзбек миллий фалсафаси мактабининг асосчиси (академик И.М.Мўминов таваллудининг 100 йиллиги). ГуИДУ ахборотномаси. 2006 йил. 3-сон. 89-б.

Профессор Н.Ғойбов ўзининг «Донишманд» номли рисоласида Иброҳим Мўминовнинг илмий мактабига тўхталиб, қуйидаги хулосани беради:

– Марказий Осиёда фалсафий тафаккур тарихи халқимизнинг умумий тарихи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланиб келди;

– Марказий Осиё фалсафаси оддий диалектиканинг ривожланишига ўзига хос ҳисса қўшди. Бу ўринда сонлар назарияси, инсон танаси ҳаётининг фаолиятининг, шунингдек, моддий борлиқдаги, жумладан, фазодаги барча предметларнинг ҳаракат қонуниятлари ҳақидаги таълимотлар муҳим аҳамиятга эга;

– Марказий Осиё фалсафасида билиш жараёни ўзига хос усулларда таҳлил этилди;

– Марказий Осиё фалсафаси тараққиётида тасаввуф таълимоти (тасаввуф фалсафаси) ғоялари ўзига хос аҳамиятга эга;

– Марказий Осиё фалсафий фикрлар тараққиёти юқоридаги хусусиятлари билан жаҳон фалсафаси тараққиётига муносиб ҳисса қўшди.¹

Иброҳим Мўминовнинг «Ўзбек миллий фалсафа мактаби»нинг аҳамиятини қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

– Иброҳим Мўминов «Ўзбек миллий фалсафа мактаби» жаҳон фалсафаси тарихида алоҳида ўрин ва мавқега эга бўлган, юнон, рим, хитой, ҳинд, немис, рус фалсафа мактаблари билан бир қаторда турадиган мактаб яратди;

– Иброҳим Мўминов фалсафа мактаби вакиллари аждодлар анъанасига содиқ қолган ҳолда ХХ асрда Фобрий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий, Бобур, Бедил, Машраблардан кейин Иброҳим Мўминов анъаналарини давом эттирмоқдалар;

¹ Н. Ғойбов. Донишманд. – Т.: «Ўзбекистон», 2008. 26–27-бетлар.

– Иброҳим Мўминов юртимиздан етишиб чиққан маънавиятимизнинг буюк сиймолари Имом Бухорий, Ҳафзи Кабир Бухорий, Ибн Сино, Исмоил Самоний, Имом Термизий, Абу Бакр Наршахий, Абдухолик Гиждувоний, Баҳоддин Нақшбанд, Аҳмад Дониш, Фитрат, Абдулла Қодирий, Садриддин Айнийларнинг издоши;

– Иброҳим Мўминовнинг фалсафа соҳасида яратган мактаби асрлар оша илм-фан аҳлига ва халқимизга хизмат қилаверади.

Иброҳим Мўминов миллат маънавиятининг юксалишида, илм-фаннинг тараққий этишида ва ўзбек фалсафа мактабининг шаклланиши ва ривожланишида ўз ўрнига эга бўлган салмоқли олимлардан бири ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида ҳам олим Иброҳим Мўминов яратиб кетган илмий мактаб давомчилари Ўзбекистон фалсафа фанининг ривожига катта аҳамият касб этади.

АМИР ТЕМУРНИНГ ЁРҚИН ШАХСИНИ ТИКЛАШДА ОЛИМНИНГ ЖАСОРАТИ

Ҳозирги кунимиз ўтмишимизнинг узвий давомидир. Ҳар қандай жамиятнинг тағ-замини тарих билан чамбарчас боғлиқ. Инсоният ўз тараққиёти давомида ҳамиша улуғ зотларнинг илм-тафаккури, ақл-заковатидан баҳраманд бўлиб келган, улар қолдирган буюк меросларидан ифтихор қилган. Бироқ маълум бир тузумнинг олиб борган сиёсати юртимиздан етишиб чиққан улуғ зотларнинг қилган ишларини объектив ўрганишга тўсқинлик қилди ва улар амалга оширган хайрли ишлар қора бўёқлар орқали ёритиб келинди. Ўзбек халқининг шундай ифтихорга лойиқ улуғ зотларидан бири бўлган, буюк давлат арбоби ва маърифатпарвар инсон – Амир Темур ибн Тарағай Муҳаммад Баҳодир даври собиқ советлар тузуми тарихида ана шундай қора бўёқлар билан кўрсатилди.

Амир Темурга нисбатан салбий тавсифлар тўлалигича ҳукмрон бўлган бир даврда академик Иброҳим Мўминов биринчилардан бўлиб Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятига холисона, изчил баҳо бериш масаласини кўтариб чиқди. Бу ўз даври учун илмий жасорат эди.

Академик Иброҳим Мўминов ўз она юртини билган, унинг тарихини пухта эгаллаган олимларимизнинг етакчиларидан бири эди.

Иброҳим Мўминовнинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» асари (1968), умуман, Амир Темур шахсини илмий ўрганиш ташаббуси билан чиқиши, олимнинг илмий жасорат ва юксак ватанпарварлик фазилатини ёрқин ифодаси бўлди.

Олим ёзади: «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва ролини тарихий манбалар маълумотлари асосида объектив равишда ёритиб беришга ҳаракат қилдик»¹.

Амир Темурни совет тарихи фанида «босқинчи» деб келинаётган ва халқ онгига сингдирилаётган бир пайтда Темурни илмий, объектив ўрганишга қўл уриш олимнинг жасорати эди.¹

Муаллиф ушбу асарини яратишда Шарафиддин Али Яздий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ҳерман Вамбери асарлари, испан элчиси Клавихонинг кундаликлари ва «Темур тузуклари» каби тарихий манбалардан фойдаланганлигини таъкидлаган.

Иброҳим Мўминовнинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» номли асарида Амир Темурнинг мустақил марказлашган давлат тузиш йўлидаги хизматлари, Мовароуннаҳрни бирлаштириш-

¹ **И.Мўминов.** Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Т.: «Фан», 1968. 6-б.

² **Х.Тошпўлатов.** Академик И. Мўминовнинг Темур давлати тарихини ўрганишга қўшган ҳиссаси. Амир Темур маърифатли инсон, адолатли давлат арбоби, тадбиркор саркарда (Республика миқёсидаги илмий-назарий конференцияда қилинган маърузалар). – Т.: «Фан», 1993. 37-б.

дан манфаатдор бўлган зодагон оқсуяклар ва бирлашишига зид ҳаракат қилган кучларга, ўзаро низоларга ундовчиларга қарши олиб борган курашлари ҳақида фикр боради.

Маълумки, бир вақтнинг ўзида душманларига офат, аскарларига қаттиққўл раҳбар, ўз халқига эса ота бўла олган Амир Темур ҳукумронлиги даврида жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-ҳуқуқий, ижтимоий-экологик ҳаётига доир бир қатор чора-тадбирлар ислоҳ қилинган.¹

Олим Амир Темурнинг 150 йилдан бери чет эл зулмида қолиб келаётган Ўрта Осиё халқлари олдидаги хизматларига яқун ясаб шундай ёзади: «Темур... Мовароуннаҳрда мустақил марказий бирлашган давлат тузди, мамлакат эҳтиёжларига жавоб берди. Мулкдор синфлар – йирик заминдорлар, савдогарлар, карвонсарой эгалари ҳамда маълум маъно ва даражада аҳоли талабларига пешвоз чиқиб, мамлакатнинг кўп жойларида қурилишлар қилдирди, камида юз йигирма йил давомида нисбий осойишталик ўрнатди».

Олимнинг таъкидлашича, Темурдан, у юритган сиёсатдан ўрганса, амал қилса арзийдиган хислатлар беқиёс:

«Темурнинг хислатларидан бири шу эдики, у бирор масалани ҳал этишдан олдин шу соҳанинг билимдон одамлари, олимлари билан маслаҳатлашар, сўнг аниқ қарор қабул қилар эди... Одатда, Амир Темур табиат, математика, астрономия, тарих фанлари вакиллари, адабиёт, тилшунослик илми намоёндалари, шунингдек, теология ва дин соҳасидаги машҳур одамлар билан шахсий суҳбатлар ўтказарди. Бу суҳбатларда ҳаётнинг муҳим масалалари тўғрисида, Туркистон ва Хоразмдан ташқари Олтин ҳамда Оқ Ўрдаларни, Хуросон, Ҳиндистон,

¹ Саодат Ғуломова. Амир Темур сиймоси И. Мўминов талқинида: социологик ёндашув. Ижтимоий фикр – инсон ҳуқуқлари, 2010, №3. 149–150-бетлар.

Эрон, Ирок, Туркия, шунингдек, бутун Ғарб-Мағрибни ўз ичига олган подшоликка оид ишлар ҳақида гап борар эди». Бу фикрдан шуни англаш мумкинки, Амир Темур барча ишларда бамаслаҳат иш юритган ва тўғри, фойдали маслаҳатларга амал қилган.

Олим Амир Темурнинг давлатни бошқариш тизими-га тўхталиб, Бош бошқарма – Девони бузургдан ташқари ҳар бир вилоятда Девон деб аталадиган бошқармалар бўлганлигини қайд қилиб, девон барча давлат ишларини назорат остига олиш каби ишлар билан шуғулланганлигини таъкидлайди.

Иброҳим Мўминовнинг ушбу асарида давлат бошқарувига алоқадор бўлган бир қатор муаммолар: Амир Темур ўз фаолиятининг дастлабки даврида барча ҳаракатини Мовароуннаҳрда ҳалокатга юз тутган Чигатой улуси ўрнига марказлашган мустақил давлатни тузишга; Мовароуннаҳрда ҳокимиятни ўз қўлига олгач, режали равишда қурултойлар ўтказишга, ушбу қурултойда мамлакатнинг хўжалик, ҳарбий соҳадаги аҳволини муҳокама этишга, давлат учун зарурий ҳисобланган ишларни бажаришда бирлашиб ҳаракат қилишга йўналтирилган қарорларни қабул қилишга ва тадбирларни белгилашга; бош бошқарма – девони бузургдан ташқари солиқ йиғиш, тартиб сақлаш, ижтимоий бинолар – бозорлар, ҳаммомлар, йўллар, ирригация тармоқларидан хабардор бўлиш ва аҳолининг ҳуқуқий-ахлоқий хатти-ҳаракатларини назорат остига олиш сингари ишлар билан шуғулланувчи бошқа девонларни ташкил этиришга; ҳар бир ўлкада фуқаро тўлайдиган солиқлар бўйича аниқ ва тўғри ҳисоб олиб борувчи ва Амир Темурга йиғилган солиқларнинг қайси йўл ва қоидага асосан тўпланганлигини етказиб турувчи аскарлар олган ва олиши керак бўлган моюнанинг ҳисоб-китобини қилувчи ҳамда сафарга кетган кишиларнинг мол-мулкини ва эгасиз ётган ерларни назорат қилувчи вазирларни таъинлашга қаратилган масалалар ўз аксини топган.

Самарқандда Сарбадорлар ҳаракати раҳбарларидан, масалан, Абу Бакир Калавийнинг Амир Ҳусайн томонидан қатл этилиши ва Амир Темур томонидан Мавлонозода ҳаётининг сақлаб қолиниши; Амир Темурнинг Византия, Венеция, Генуя, Испания-Кастилия, Франция, Англия сингари давлатлар билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларни ўрнатиши ва уни мустаҳкамлаш борасидаги фаолиятини авж олдириши; ўз амалини суистеъмол қилиш, порахўрлик, доимий ичкилик, маиший бузуклик гуноҳ ҳисобланиб, бундай «фазилат соҳиблари»нинг қаттиқ жазоланиши каби муаммоларнинг асарда зикр этилиши катта аҳамиятга молик бўлиб, ушбу ҳолат давлат бошқаруви билан узвий боғлиқ бўлган сиёсий масалаларнинг ёритилганлигидан далолат беради. Шу ўринда Амир Темурнинг кўйидаги фикри, айниқса, диққатга сазовордир: «...менинг мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш ва давлатимизни ривожлантиришдир. Олдин бизнинг диққат-этиборимизда ўзга мамлакатларни ишғол қилиш учун ҳарбий юришлар турган бўлса, эндиликда давлатда хотиржамлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бош вазифамиздир».

Амир Темур бутун сиёсий фаолияти давомида Ғарб ва Шарқ мамлакатлари билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш, савдо-сотик муносабатларининг ҳар томонлама ривожланишига катта этибор беради.

Иброҳим Мўминов Амир Темур даврини тадқиқ қилар экан, Амир Темур Ўрта Осиёни мўғуллардан озод этиш ва уни мустақил ҳамда кучли давлатга бирлаштиришга, ҳар томонлама ривожлантиришга ҳисса қўшди. Шу билан бирга, Амир Темур Ўрта Осиёда шаҳарларнинг қурилишига, илм-фан, дин аҳлига этибор берди, ўзаро феодал низоларнинг олдини олди, савдо-сотик, хунармандчиликка кенг йўл очди, бошқа давлатлар билан алоқани кучайтирди, мамлакатни бошқариш учун

тузуклар яратди, ундан давлатни бошқариш йўлидаги дастуриламал сифатида фойдаланди. Тадқиқот жараёнида, Амир Темури ўз халқи миллатининг ўғлини, машхур саркарда, моҳир давлат арбоби, маънавиятнинг ҳомийси эканлигига урғу беради.¹

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Иброҳим Мўминовнинг Амир Темурининг шарафли ҳаёт йўли ва фаолиятига бағишланган ушбу асарида ҳарбий масалалар ҳам аҳамиятсиз қолдирилмаган. Жумладан, рисолада ҳарбий соҳага тааллуқли қуйидаги ҳарбий тарих ўрта асрда Осиёдаги энг йирик лашкарбошилардан бири сифатида Амир Темури тан олиши; унинг ҳарбий маҳорати аскарӣ қисмларни қайта ташкил этишда ва лашкарбоши-қўмондонликда намоён бўлиши; Амир Темури армияси ўнлик, юзлик ва минглик бўлинмалардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар қайсисига мувофиқ ҳарбий бошлиқларнинг раҳбарлик қилишлари; қўшин турлари ичида ҳаммадан кўра отлик аскарлар пиёдалар, шунингдек, Темури боргоҳида илғор разведка бўлинмасининг юқори баҳоланиши; баландликдан туриб, олти юздан иборат қўшин бирлашмаларининг парадини қабул қилиш каби масалалар марказий ўринни эгаллайди.

Амир Темури инсонпарварлик ва мардликни Аллоҳ ҳам, халқ ҳам улуғлайди, деган гапни кўп такрорлар эди. Шунинг учун ўз муҳрига «адолат ва озодлик» деган сўзларни ёздирган бўлиб, у ана шу икки сўзга умрининг охиригача содиқ қолди.² Иброҳим Мўминов Амир Темурининг инсонпарварлиги ва мардлигини ўз асарида моҳирона очиб бера олган.

¹ Дилором Хаджаева. Халқ хизматидаги илм. Соғлом авлод учун, 2003 йил, январь. 38-б.

² Бўри Қодиров. Амир Темури мустақил Мовароуннаҳр давлатининг асосчиси. Амир Темури маърифатли инсон, адолатли давлат арбоби, тадбиркор саркарда (Республика миқёсидаги илмий-назарий конференцияда қилинган маърузалар). – Т.: «Фан», 1993. 40-б.

Амир Темур жуда кўп олимлар, шоирларни ўз давлати ҳимоясига олиб, уларнинг эркин ижод қилишларига барча шароитларни яратиб берди. Бу, шухбасиз, мамлакатда маданият, фан, адабиёт ва санъатнинг ўсишида муҳим омил бўлди.

Амир Темурнинг тиббиёт, математика, астрономия ва тарих фанлари вакиллари, адабиёт ва тилшунослик илми намояндалари, шунингдек, илоҳиёт ва дин соҳасидаги машҳур кишилар билан шахсий суҳбатлар ўтказиб туриши: Амир Темур саройида Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсуддин Мунший, Мавлоно Абдулла Лисон, Мавлоно Бадриддин Аҳмад, Мавлоно Нугмониддин Хоразмий, Хўжа Афзал, Мавлоно Олоуддин Коший, Жамол Ҳокий каби олимларнинг фаолият юритиши; самода юлдузларнинг жойлашишини яхши билган ахтаршунос (юлдузшунос)нинг Амир Темурга ҳарбий савдо ишларида вақтни белгилаши ва йўл йўналишини аниқлаши учун зарурлиги борасида фикр юритилган.

«Самарқанд қулай географик ҳолатга эга бўлиб, Мовароуннаҳрнинг марказида жойлашгандир. У серсув бўлиб, уни уч томондан тоғ ўраб олган, унда ҳавонинг уч оқими – тоғ, дарё ва кенг яйлов, дарахтзор водий, адир кўшилиб, хушманзара, хуштабиат оромбахш иқлим барқарордир» сингари жумлалар беқиёс аҳамият касб этади. Шаҳар теварагида кўплаб уй-жойлар қурилган. Унинг атрофини бутунлай боғ ва узумзорлар қоплаб олган. Боғ ва узумзорлар шунчалик кўпки, даладан шаҳарга қайтаётиб, орқага қаралса, улар баланд-баланд дарахтлардан иборат ўрмонга ўхшаб кўринади. Ана шу ўрмоннинг ўртасида шаҳар жойлашган. Шаҳар ва боғлар бўйлаб ариқлар ўтиб, улардан доимо сув оқади. Боғлар оралигидаги бўш майдонларга кўплаб қовун ва пахта экилади. Ҳар куни туяларда сон-саноксиз қовун олиб келинади. Самарқанднинг бойлиги фақат озиқ-овқат билан ўлчанмайди, балки бу ерда ипак, атлас, сандал, шойи каби матолар кўплаб тўкиб чиқарилади. Шу сабабдан ҳам

подшо бу шаҳарни кўкларга кўтариб кўрсатмоқчи бўлди» каби тарихчи Клавихо, «... Самарқанд шаҳри ажаб ораста шахредур, бу шаҳарда бир хусусияти борким, ўзга кам шаҳрда андоғ бўлғай. Ҳар хирфагарнинг бир бошқа бозори бор, бир-бирларига махлут эмастур, тавр расмедур. Хўб нонволиклари ва ошпазликлари бордур. Оламда яхши қоғоз Самарқанддан чиқар. Жувози қоғозлар суйи тамом Конигилдан келаду. Конигил Сиёҳоб ёқасидадурким, бу қора сувни Обираҳмат ҳам дерлар. Самарқанднинг яна бир матои қирмизи баҳмалдурким, атроф ва жавоникба элтарлар» сингари З. М. Бобур фикрмулоҳазаларининг рисолада илгари сурилиши билан бир қаторда шаҳарга оид муаммоларнинг диққат-эътибордан четда қолдирилмаганлигининг яққол исботидур.

Асарда келтирилганидек, Амир Темур Ўрта Осиёда шаҳарларнинг қурилишига, илм-фан, дин аҳлига эътибор берди. Савдо-сотик, ҳунармандчиликка кенг йўл очди, бошқа давлатлар билан алоқаларни кенгайтирди, мамлакатни бошқариш учун «Темур тузуклари»ни яратди. Армияни мустаҳкамлади, иқтисодий ва сиёсий бақувват давлат тузумини вужудга келтирди, буюк ва жасур саркарда, моҳир давлат арбоби бўлиб танилди.

Шу ўринда айтиш керак, И. Мўминов бир кун келиб, Амир Темур номи улуғ кишилар қаторидан жой олишига ишонган ва «Сиз кўрасиз, шундай вақтлар келадики, Амир Темурни кўкларга кўтариб, буюк шахс сифатида қадрлайдилар», – деб таъкидлаган. Қарангки, бугунги кунда ушбу орзулар рўёбга чикди. Амир Темурнинг улуғвор ва буюк кадр-қиммати ўрнига кўйилди. Уни буюк шахс, ватанпарвар, илм-фан ва маданият ҳомийси сифатида таъриф эта олди.

Иброҳим Мўминов нафақат Марказий Осиё, балки инсоният тарихида ҳам «энг буюк жасорат – маънавий жасорат» кўрсатган башар фарзандларидан биридир. Унинг бу фазилатини Амир Темурнинг ёрқин шахсини қайта тиклашда кўрсатган хизматларида кўришимиз мумкин.

Собиқ совет даврида Иброҳим Мўминовнинг Соҳибқирон тўғрисидаги илмий хулосаларига Амир Темурни «идеаллаштириш», унга ғайриилмий ёндашиш, сиёсий-ғоявий хатога йўл қўйиш, деб баҳо берилди.

Республика газеталарининг бирида (*таъкид бизники*) республикадаги советпараст зиёлилардан бири Иброҳим Мўминов «босқинчи» бўлган Амир Темурни оқлаб чиқди, деб Москвага унинг устидан «юмалок» хат ёзиб, иғво уюштирганлиги ва Москва Ўзбекистон раҳбариятига Иброҳим Мўминовга ўрнатилган тартибда чора кўришни талаб қилганлиги ҳақида ёзганлигига кўзим тушган эди. Ўша даврда Ўзбекистон раҳбари Ш.Рашидов республикадаги олимларни яхши билгани ва Иброҳим Мўминовга нисбатан чексиз ҳурмати, қолаверса, Амир Темурнинг буюк давлат арбоби бўлганини эътироф этганлиги учун уни қаттиқ жазоланишдан асраб қолган.

Олимга мамлакатда ҳукмрон бўлган мафкуравий, ғоявий бирёқламаликка асосланган бундай иғво, ноҳақ тухматлар оғирлик қилди.

Иброҳим Мўминов тарихни илмий ёритиш, хусусан, Амир Темурнинг ёрқин шахсини қайта тиклаш халқимизнинг буюк тарихини эътироф этишга, унда ўчмас из қолдирган буюк аجدодларимизнинг бетакрор хизматларидан ифтихор туйишга кенг йўл очишини олдиндан кўра билган десак, муболага бўлмайди. Олимнинг ушбу илмий таҳлилларида илгари сурилган ҳақиқий тарихий жараёни тиклаш ҳақидаги илғор фикрлари унинг республикамиз мустақиллиги учун курашиб келган энг илғор зиёлилардан бири эканлигини намоён этади.

НАВОИЙ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИНИ ЎРГАНГАН ОЛИМ

Маънавиятимизнинг буюк сиймолари, мутафаккирларининг фаолияти ва асарларини ўрганиш Иброҳим Мўминовнинг бош мақсади бўлиб келди.

Бу борада олимнинг «Алишер Навоий – буюк мутафаккир – маърифатчи» деб номланган мақоласида Алишер Навоийнинг тил, адабиёт, тарих, фалсафа ва фалакиёт илми масалаларига жуда катта эътибор берганини қайд қилади. Шу билан бирга, у Навоийни илм ва маърифатнинг буюк тарғиботчиси сифатида кўрсатади.

Олим Навоийнинг халқни маърифатли қилиш йўлидаги буюк хизматларини таъкидлаб, унинг одамларни ўқитиш ва саводли қилиш учун мактаблар очганлиги, ўзи шеърят орқали сабоқ берганлигини кўрсатиб ўтади. Хусусан, Навоийнинг билим, маърифатни улуғлаб айтган фикрлари, шу билан биргаликда, инсонлар фақатгина ўзлари яшаётган давр одамларининг қарашларини ўрганиш билан чекланиб қолмасдан дунёвий билимларни ҳам ўрганиш ва билиш кераклигини қайта-қайта таъкидлаб ўтиши диққатга сазовордир.¹

Навоий бизга фан билан шуғулланиш учун меҳнатсевар, иродали ва чидамли бўлиш керак эканлигини ўргатади. Олим Навоий фалсафасининг нақадар мукамаллигини кўрсатиб берди ва бу фалсафанинг мағзини чақишга ҳаракат қилди. Алишер Навоий фалсафасида жуда чуқур бир ғоя, яъни тасаввуф илми билан боғлиқлик борлигини кўради. Афсуски, ўша давр тақозосига кўра, Навоий дунёқарашининг фақат ҳукмрон тузум тазйиқига учрамайдиган жиҳатларини кўрсатиш мумкин эди. Масалан, Навоий дунёқарашининг дин билан, тасаввуф фалсафаси билан боғлиқ эканлигини Иброҳим Мўминов зукко тадқиқотчи сифатида аниқ билмаслиги мумкин эмас эди.¹

Иброҳим Мўминов талқинида маданият, энг аввало, ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамиятнинг ўзи каби ривожланиш қонуниятларига эга. Унинг анъанавий барқарор

¹ Дилором Ходжаева. Халқ хизматидаги илм. Соғлом авлод учун, 2003 йил, январь. 39-б.

² Ўша журнал, 39-б.

томонлари ҳам, шу билан бирга, тез ўзгарувчан, новаторлик, нисбий томонлари ҳам мавжуд.

Демак, маданият ижтимоий тарихий жараён бўлиб, у моддий ва маънавий қадриятларни яратиш, табиатни, жамиятни ва ўз-ўзини ўзгартириш йўлида инсоннинг фаолияти, изланишларида яна ҳам муҳим аҳамият касб этади. Инсоннинг ҳар томонлама шаклланиши ва камолотига катта таъсир кўрсатади.

Иброҳим Мўминов Алишер Навоийнинг ҳар бир асарини, айниқса, «Хамса»сини мукамал ўрганди ва Навоий асарларини фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилди.

«XIX аср охирлари ва XX аср бошларида, – деб таъкидлайди Иброҳим Мўминов, – Ўзбекистон маданиятининг прогрессив вакиллари – Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий ва шулар каби илғор кишилар ўрта асрчилик ва жаҳолатпарастликка қарши курашиб, Навоийнинг энг яхши традицияларини давом эттирдилар. Унинг маърифатпарварлик, халқпарварлик чақириқларини куйладилар»¹.

Юқорида қайд этилган фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, комил инсон ғояси ва унинг муҳим хусусиятлари бўлган инсонпарварлик, кўпинча, ўзгариб турган, улар тўғрисидаги тасаввурлар муайян бир тузумнинг талаб ва эҳтиёжи, шарт-шароитининг ўзгариши билан турлича мазмун касб этган.

Алишер Навоийнинг умуминсоний мазмунга эга бўлган гуманистик қарашлари ислом фалсафасидан озикланган бўлиб, аллома ўзининг асарларида унинг диний ва дунёвий жиҳатлари, зоҳирий ва ботиний томонларини ҳар томонлама ривожлантирган.

Энг аввало, шуни айтиш лозимки, Навоий муҳаббатни кенг маънода тушунади. Унинг севгиси инсонга, борлик ва табиатга ҳамда Аллоҳга қаратилгандир. Унинг фикрича, Аллоҳ ҳамма мавжудотнинг ибтидоси, бошланғичини ташкил этади. Дунёдаги ҳамма нарса ўт-

¹ И.Мўминов. Танланган асарлар. Т. 1. – Т.: «Фан», 1969. 197-б.

кинчи, вақтинчалиқдир, Аллоҳ эса абадий, нимаики борлиқда содир бўлса, унинг иродаси билан амалга ошади. Шоир «Лисон ут-тайр» асариди куйидагиларни айтади:

*Ҳар неким қилсанг, гумон топгон вужуд,
Буду йўқ, бу навъ эрур бори намуд.
Ғайр ҳаққим қодир бор Ҳақдир ул,
Барча фоний боқийи мутлақдур ул.
Ҳам вужуд ойини маҳкамдур анга,
Ҳам бақо расми мусалламдур анга.
Ҳақдин ўзга гар эрур ҳар навъ зот,
Филмасал ичкон эса оби ҳаёт.*

У табиат ва ҳаётга, умргузаронликка ўз муҳаббатини ихзор қилади, уларни жонидан ҳам азизроқ кўришини куйидаги мисраларда баён этади:

*Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Ҳар неники севмак андин ортуқ бўлмас,
Андин сени кўп севармен, эй умри азиз.*

Шундай қилиб, Ҳазрат Навоий севгисининг объекти, маҳбуби инсон, борлиқ, табиат ва Аллоҳдир, улар мутафаккир асарларининг ўзагини ташкил этади.

Иброҳим Мўминов ҳазрат Навоийнинг асарларини ўрганар экан, унинг насрий ва назмий асарларида комил инсон учун пойдевор бўлиб хизмат қиладиган одамийликка, инсонпарварликнинг турли жиҳатларига эътибор беради. Мутафаккирнинг фикрича, одам ўзгаларга яхшилик қилиши, хайрли ишлар ва солиҳ амалларни бажариши, савоб ишлар билан машғул бўлиши учун, аввало, сабрли, қаноатли, нафсини жиловлаган, бошқача қилиб айтганда, ўзи тарбияланган бўлиши керак. Шундагина у бошқаларнинг қадрига етадиган, уларга кўпроқ ғамхўрлик қиладиган бўлади. Мутафаккир инсон, аввало, сабрли, қаноатли бўлиши, ўзининг ҳалол меҳнати билан топган бир бурда нонига кифояланиши

кераклигини айтади. Бу ерда Навоийнинг инсонпарварлик қарашларининг муҳим хусусияти шундан иборатки, аллома сабр-қаноат, меҳр-мурувват, саховат, хайр-садақа, муҳтожларга ёрдам каби инсоний хислатлар ҳақида гапирганда уларни ўзаро боғлиқликда кўради, улар мазмунан бир-бирини тўлдирувчи, бир-бирига яқин тушунчалар сифатида қаралади. Мутафаккир қаноатни шарафлар экан, бу хислатга эга бўлган инсоннинг ҳар тарафлама афзаллигини уқтириб, ушбу фазилат бахт-саодатга эришишнинг калити, инсоннинг зийнати эканлигини, у хавф-хатарлар, турли иллат ва бало-офатлардан сақловчи, одамни хор-зорлик ва жабр-зулмдан муҳофаза қилувчи катта куч эканлигини таъкидлайди. Умуман олганда, Алишер Навоийнинг дунёқарашини тадқиқ қилган олимлар унинг сахийлик тушунчасини ҳар томонлама, чуқур таҳлил қилинганлигини, унинг турли жиҳатлари қараб чиқилганлигини эътироф этадилар.

Ҳазрат Алишер Навоий ўзбек тилининг ўша даврдаги ўрни ва аҳамиятини ўз асарлари орқали кенг халқ оmmasига етказиб берганлигини яхши биламиз.

Иброҳим Мўминов ҳам Навоийнинг қарашларини давом эттириб, жамиятда тилнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб берди. Жамият такомиллашган сари фикр алмашиш воситаси бўлган тил ҳам ривожланади. «Лекин, – деб ёзади муаллиф, – тилнинг жамиятга ва жамиятнинг тилга бўлган бундай таъсир кучлари кенг экан, деган хулоса чиқариш нотўғридир. Тил ва жамиятнинг диалектик бирлигида ҳал қилувчи ролини жамият ўйнайди. Чунки тил – жамият ихтиёридаги восита ва қуролдир».

Шу сабабли олим ўз асарларида тилшунослар олдида турган долзарб масалалар устида алоҳида тўхталди. Унда тилшуносларимиз эришган ютуқларни кўрсатиш билан бирга камчиликларини ҳам санаб ўтади.

«Ўзбек тилининг нутқ маданиятини баланд кўтариш – бу нафақат мутахассислар, балки бутун зиёлилар-

нинг ҳам вазифаси бўлмоғи керак. Шунинг учун халқимизнинг нутқ маданиятини янада кўтаришга ҳаммамиз биргаликда ҳаракат қилишимиз керак, бу умумий иш, бу халқ иши», – деб таъкидлайди олим.

Демак, тил масаласи Алишер Навоий даврида ҳам, Иброҳим Мўминов даврида ҳам, қолаверса, ҳозирги бизнинг замонамизда ҳам долзарб масала бўлиб келган, бундан кейин ҳам долзарблигини йўқотмайди.

Иброҳим Мўминов Алишер Навоийнинг фалсафий қарашларини ўрганиш жараёнида мутафаккир бобомизнинг асарлари нафақат адабиёт, балки фалсафа, маънавий, ижтимоий дунёимизда ҳам чуқур маъно ва мазмун касб этишини яна бир бор кўрсатиб беради.

ХУЛОСА

Ўзбек халқининг кўзга кўринган йирик олими, академик Иброҳим Мўминов умри ва илмий фаолияти давомида халқимизнинг буюк аждодлари мероси асосида илм-фан ривожига улкан ҳисса қўшди. Унинг илмий рисоалари, асарлари, мақолалари мустабид тузумда қораланган ва бирёқлама нотўғри талқин қилинган тарихимизнинг ёрқин саҳифаларини ёритиб беришга хизмат қилди. Шунингдек, олим ўзбек миллий фалсафа мактабига асос солиб, ўз фалсафий қарашлари замирида халқимизнинг умуминсоний қарашларидан тортиб, миллий қадриятлари, менталитетига хос жиҳатларини кўрсатиб бера олди. Юртимизда етишиб чиққан буюк маънавият алломаларининг асарларини пухта ўрганишда келгуси авлод учун замин яратди ҳамда қилина-жак юзлаб, минглаб янги илмий тадқиқотлар учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди.

Қўлингиздаги ушбу рисола Иброҳим Мўминовнинг илм-фан йўлида қилган беқиёс хизматлари асосида унинг ҳақиқий инсоний фазилатларини, юртсеварлигини, халқпарварлигини намоён этади.



ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ЁЗГАН ВА У ҲАҚИДА ЁЗИЛГАН АСАРЛАР

1. Танланган асарлар, 3 жилдлик. – Т.: 1969–1972.
2. Выдающиеся мыслители Средней Азии, Мўминов, 1963.
3. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Т.: 1968.
4. Мирзо Бедил. – Т.: 1974 .
5. Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар. – Т.: 1999.
6. А.С. Садыков, И.М. Мўминов [библиография]. – Т.: 1968.
7. Воспоминания о И.М. Муминове. – Т.: 1978.
8. Академик Иброҳим Мўминов [мақолалар ва хотиралар]. – Т.: 1993.
9. С. Шермухаммедов. Қомусий олим. – Т.: 1998.
10. Иброҳим Мўминов таҳрири остида Фалсафа сўзлиги. – Т.: Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1967 .



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003, 6-жилд.
2. И.Мўминов. Танланган асарлар. 1-жилд. – Т.: «Фан», 1969.
3. Иброҳим Мўминов. Мирзо Бедил (дунёқараши). – Т.: «Ўзбекистон», 1974.
4. И.Мўминов. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Т.: «Фан», 1968.
5. Зайниддин Исамухамедов. Яхшидан боғ қолади. «Гулистон», 2009, 4-сон.
6. О.Содиқов. Олимнинг йўли. «Совет Ўзбекистони» газетаси. 24 январь, 1964 йил.
7. С.Т. Исмоилов. Ўзбек миллий фалсафаси мактабининг асосчиси (академик И.М. Мўминов таваллудининг 100 йиллиги). ГуИДУ ахборотномаси. 2006 йил, 3-сон.
8. Н.Ғойибов. Донишманд. – Т.: «Ўзбекистон», 2008.
9. Х.Тошпўлатов. Академик И. Мўминовнинг Темур давлати тарихини ўрганишга қўшган ҳиссаси. Амир Темур маърифатли инсон, адолатли давлат арбоби, тадбиркор саркарда (Республика миқёсидаги илмий-назарий конференцияда қилинган маърузалар). – Т.: «Фан», 1993.
10. Саодат Ғуломова. Амир Темур сиймоси И. Мўминов талқинида: социологик ёндашув. Ижтимоий фикр – инсон ҳуқуқлари, 2010, №3.
11. Дилором Хаджаева. Халқ хизматидаги илм. «Соғлом авлод учун» журнали, 2003 йил, январь.
12. Бўри Қодиров. Амир Темур мустақил Мовароуннаҳр давлатининг асосчиси. Амир Темур маърифатли инсон, адолатли давлат арбоби, тадбиркор саркарда (Республика миқёсидаги илмий-назарий конференцияда қилинган маърузалар). – Т.: «Фан», 1993.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Улуғ донишманд олим	4
Ўзбек миллий фалсафа мактабининг асосчиси.....	8
Амир Темурнинг ёрқин шахсини тиклашда олимнинг жасорати	16
Навоий фалсафий қарашларини ўрганган олим	24
Хулоса	29
Иброҳим Мўминов ёзган ва у ҳақида ёзилган асарлар	30
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	31

Адабий-бадиий нашр

БЎРИ ҚОДИРОВ

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ФАЛСАФА МАКТАБИНИНГ АСОСЧИСИ

*(Академик Иброҳим Мўминов
ҳаёти ва илмий фаолияти)*

Тошкент «Маънавият» 2022

Муҳаррир *Ислом Худойқулов*
Рассом *Шухрат Соҳибов*
Мусаҳҳих *Шоҳида Назарова*
Компьютерда тайёрловчи *Шухрат Соҳибов*

Лицензия АИ №189, 10.05.2011 йилда берилган.
Босишга 22.11.2022 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 ¹/₃₂.
«Таймс» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.
Шартли босма табоғи 1,68. Нашр табоғи 1,25. Буюртма № 22-97.
Адади 1500 нусха. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди.
100047. Тошкент, Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй. Шартнома № 31–22.